



Мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари бўлган Макка ва Мадина зиёрати ислом динининг арконларидан биридир. Саудия Арабистони (1932 йилдан шу ном билан аталади) давлати ҳудудида жойлашган бу шариф шаҳарларга ҳар йили 3 миллион мусулмон ҳаж зиёрати учун боради. Мамлакат хазинасига ҳожилар ҳисобидан бир йилда 8-10 миллиард АКШ доллари миқдорида даромад тушяпти.

Ислом дини Арабистон ярим оролида вужудга келиб, илк бор ўша ҳудудда тарғиб қилинган бўлсада, ислом маънавияти ва диний илмлар биз истикомат қилаётган минтақада ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Абдуқодир Маргиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Гиждувоний, Ҳожа Баҳовуддин Накшбандий каби улуғ инсонларнинг таълимоти ер юзидаги 120 мамлакатда яшовчи миллионлаб мусулмонлар орасида юқсак хурматга сазовордир.

Ўтган асрларда тахтдан ағдарилган ёки ҳукмдорлик рутбасидан тушган хон ва амирлар ислом динининг фарзларидан бири бўлган Макка ва Мадина ҳажи сафарига отланганлар. Уларнинг баъзиларига ҳаж зиёрати насиб этган, баъзилари йўлдаёқ душманлари томонидан махв этилган, баъзилари эса, қайтишда ўзга юртларда ҳаёт билан видолашган. Улуғбек Мирзо, Комрон Мирзо, Нодирмуҳаммад, Ҳудоёрхон қабиларнинг тарихий тақдирларини эсласак фикримиз янада ойдинлашади. Кўкон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Ҳудоёрхон 1877 йилда Оренбург шаҳридаги (Россия) тутқинликдан қочиб, Бухоро амирлигига ўтиб, Қобул-Бомбей-Богдод йўналиши орқали Маккага етиб келган. Ҳаж фарзини адо этганидан сўнг, Богдодга қайтиб бир қадар яшаган Ҳудоёрхон Лондонда, (Англия) қиролича Виктория ҳузурида бўлиб, 12 та чет эл мамлакат вакиллари иштирокидаги кенгашда ўзининг арз-додини баён қилади. Лекин Лондон-Петербург музокаралари натижасиз тугаганидан сўнг, она юртига қайтмоқчи бўлади. «1882 йил Хирот шаҳри (Афғонистон) яқинидаги Каррух қишлоғида ўпка касаллигидан оғриб мусофирликда вафот этди. Хирот беги Қундузхон унинг ҳамёнидаги 100 тиллани ҳам олиб қўйган»(1). Ҳаж сафари насиб қилмаган ҳукмдорлар ва бадавлат туркистонликлар Макка ва Мадина шаҳрида хайрли иш қилиб ном қолдириш максатида бирор-бир савоб ишни бажарганлар. Бу ўринда Аштархоний ҳукмдор Имомқулихоннинг (ҳукмронлик йиллари 1611-1642 йиллар) Мадина шаҳрида чорбоғ, Маккадаги Каъбага қиравериш дарвозасида олтин ва қумуш тутқичли ёғоч зина қурдирганлигини эслаш мумкин. «XIX аср охири XX аср бошларида машҳур маҳаллий саноатчи бойлардан бўлган андижонлик Мирқомил Мирмўминбой хожи ўглининг (1860-1919) отаси Мирнодирбой Ҳожиёв вафоти олдидан 15 фарзандига меросини тақсимлаб туриб, бир ният билан 30 минг сўм ажратганини, бу маблағ ҳисобига Макка ва Мадина шаҳарларида бир мусофирхона бунёд этилишини васият қилган»(2).

Чоризм мустамлакаси даврида ҳам Туркистон ўлкаси мусулмонлари Макка ва Мадина хажига бориб турган. 1880-1900 йилларда ўртача хисобда хар йили 3-5 минг сонли туркистонликлар хаж зиёратига борар эди.

Хаж зиёратига борган миллатдошларимиздан айримлари тижорат килиш ва бошка сабабларга кўра Арабистонда муқим яшаб қолишган. Баъзи ҳолларда мустамлака Туркистонига қайтмаслик мақсадида Ватан сифатида бирор-бир Шарқ мамлакати танланарди. Лекин, бу кам учрайдиган ҳолат бўлиб, Арабистонда «ўзбек диаспораси»нинг вужудга келиши Совет тузумининг ноинсоний сиёсати ва мислсиз катагонлари билан боғлиқдир.

Совет жамиятида зиддиятларга тўла, XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек миллати вакилларида минг-минглаб кишилар хорижий мамлакатларга, жумладан Арабистонга чиқиб кетишга мажбур бўлганлар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Арабистонга бориб қолган ўзбеклар асосан, аввал Афғонистон ва Хитой Халқ Республикаси ҳудудида яшаганлар. Архив ҳужжатларининг маълумотида «XX аср 60-йилларида Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикасида 37 минг сонли туркистонликлар яшаган»(3). Манбаларда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, козоклар биргаликда бир ном билан «туркистонликлар» деб аталади. Юртдошларимиз ўзларининг исм-шарифларига у ёки бу шаҳарларимиздан бирини қўшиб айтишган.

Шунинг учун улар «Бухорий», «Фарғоний», «Андижоний», «Самарқандий», «Марғилоний», «Насафий», «Намангоний» деб ўзларини таништиришлари бежиз эмас. Кўп ҳолларда эса ватандошларимиз Ўрта Осиёдан эканликларини билдириш мақсадида «Туркистоний», «ал-Бухорий» номларини ўз исм-шарифларидан кейин қўшиб қўядилар.

Ислоҳ дунёсида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва обрўлари шу қадар баландки, Ўзбекистондаги қайси ғўшадан юртдошларимиз келиб чиқмасин, уларни «Бухорийлар» деб аташади. Саудия Арабистонида ҳам «Бухорийлар» кўпчиликдир. Аввало, ҳозирда Саудия Арабистонидаги ўзбеклар сони ҳақида бир оз мулоҳаза билдириб ўтсак. Биз учратган китоб ва мақолаларда улар ҳақида турлича маълумот берилади.

«Муборак хаж сафари» китобининг муаллифи Нуриллоҳон Ҳожи Абдуллоҳ ўғли «Саудияда 400 минг атрофида ўзбеклар яшайди»(4),-деб ёзади. Саудия Арабистони фуқароси, муҳожир ўзбек, марҳум Абдулвоҳид Ясса: «Жон кетар, ватан кетмас» мақоласида: «Бу мамлакатда 350 минг ўзбек, козок, туркман ва тожиклардан иборат туркистонликлар бор»(5),-деб қайд қилади. Баъзи маълумотларда 500 минг, 700 минг ўзбеклар Саудия Арабистонида яшаши ҳақида хабар берилади.

XX асрнинг 1-ярмида Саудия Арабистонида ўзбек ватандошлар сони Афғонистон, Туркия, Хитой каби мамлакатларга нисбатан оз бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир. Бирок бу мамлакатда турмуш даражасининг қўтарилиши, «Бухорий»ларга имтиёзлар берилиб, солиқлардан дарҳон қилинишлари, тижорат учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадина хажига борган юртдошларимиз билан дийдорлашувга эҳтиёж катталиги, мусулмончилиқнинг фарзларидан бири хаж мақсади каби сабаблар туфайли миллатдошларимиз бу ерда кўпроқ тўпланганлар.

Саудия Арабистонидаги ўзбеклар ижтимоий аҳволлари жихатидан турли поғоналарга турадилар. Уларнинг аксарияти тижоратчилар бўлиб, асосан мамлакатнинг марказий шаҳарлари ҳисобланган Мадина, Макка, Тоиф, Ар-Риёд шаҳарларида яшашади. Юртдошларимиз орасида вазирлар, генераллар, диний ва дунёвий илмларнинг билимдонлари, профессорлар ҳам бор. Ўзбек ватандошлар Мадинаи-Мунаввара шаҳрида ўзларининг ҳисобларидан «Андижон богчаси», «Чуст такаси» деб аталадиган

мусофирхоналарга асос солганлар. Бугунги кунда хаж сафарини ихтиёр килган ватандошларимиз улардан бахраманд бўлишяпти.

Юртдошимиз Олтинхонтўра, Мухаммад ат-Тарозий ташки ишлар вазири, Мадинадаги «Жомъе» масчити бош мударриси бўлганлар. Фазлиддин Илохий эса Мадина амири Абдулмажид ибн Абдулазизнинг якин мулозими бўлиб ишлаган. Истеъфодаги генерал Бурхониддин Маргилонийнинг таъкидлашича, Саудия Арабистони курулли кучларида ўзбеклардан чиккан 15 генерал ва 80 га якин офицерлар (майор ва полковниклар) хизмат килар экан.

Афғонистондан Саудия Арабистонига кўчиб ўтган ватандошимиз Мубашширхон Солмон Косоний ўзбек тилида, араб имлосида уч жилдли «Ўрта Осиё тарихи» китобини нашр килдирган. У ўзи истикомат киладиган Ахбо шахридан Мадинага бориб, Абдулкодир Маргилонийнинг «Мактаби Имон» кутубхонасига карашли матбаада тарихий китобини чоп эттирган.

Ёкубхўжа Йўлдош Махжурий «Тил йўриги» китоби муаллифидир. Диний илм соҳасида Маккадаги Ум-ул Каро университети профессори, доктор Мухаммад Саид Хасан, доктор Умар Тошкандий, Абдулфаттох Кори Кўкандий, Мухаммад Хасан Кори, Нўъмон Тошкандий сингари арбобларнинг номи кадрланади. XX асрнинг 30-йилларида мухожирликни ихтиёр килган Абдулҳаким Халифа, Раҳматуллох Туркистоний, Абдуллох Туркистоний, Мухаммад Салим, Нуриддин Махсум, Мухаммад Зариф, Холид Нажмиддин, Мухаммад Одил, Мухаммад Юсуф, Мухаммад Маргуб, Миён Фазл Максуд, Фазл Хамид, Абдулҳаким Бухорий каби юзлаб ватандошларимиз исм-шарифларини санаб ўтиш мумкин. Шайх Саббок Бухорий, Камолиддин Тошқин каби ўзбек шоирлари, Обиджон Туркистоний сингари тиббиёт ходимлари ҳам ушбу мамлакатда кўним топганлар. Собик «Ватан» жамияти ходими Л.Ахмадхўжа 1990 йилда Мадинада бўлганларида: «106 ёшга тўлган, XX аср 30-йилларида бу мамлакатга келиб қолган Дадахон хожи Намангоний ва у кишининг 70 яшар ўғиллари Мухаммад Дадахон билан мулоқотда бўлган»(6).

Имом Бухорий юбилейлари муносабати билан ўтказилган халқаро илмий анжуман тантаналарида ҳам арабистонлик юртдошларимиз иштирок килдилар.

Бу ердаги миллатдошларимиз араб имлосида ўқиб, эски ўзбек адабий тилида гапирадилар. Бу эса, Совет даврида уларни ўз Она- Ватанлари билан алоқаларига тўскинлик киларди, Иккинчидан, «темир кафас» бўлган, хорижлик ўзбекларга «душман», «соткин», «ватан хоини» назари билан караган бу тузум минг-минглаб қалбларга озор берди. Мамлакатлар орасида тўсик қўйиш мумкин, лекин қалбларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Саудияда яшаган «Бухорий»лар ўзбекона миллий урф-одат ва анъаналаримизни ўзбек тили ва ўзликларини сақлаб қолдилар. Улар ва фарзандлари исломий тарбия асосида араб тилида тахсил оладилар, лекин оилада ва ўзбек жамоаларида ўзбекча сўзлашадилар.

Арабистонлик юртдошимиз Халифа Исмоилий: «Аввало шуни айтиб ўтиш жоизки, Ўрта Осиёдан борганларни у ерда (Саудия Арабистонида) «Туркистоний» ёки оддийгина қилиб «Бухорий» деб аташади». Падари-бузрукворларимиз ва волидаи-мехрибонларимиз бизларга: «Хеч қачон юртларингни, тилларингни унутманглар, чунки тилни унутган Ватанни унутади. Ватанни унутган эса имонни унутади»(7),- деган эди суҳбатларидан бирида. Оталар насихатида амал қилган юртдошларимиз бир умр Она-Ватан меҳрини туйиб яшади.

Саудия Арабистонида яшаган ватандошларимиздан бири Мўминжон Андижоний

Ўзбекистонга мактуб йўллаб, хатининг охирида:

«Гурбатда агар етса ўлим гул баданимга,

Кабримни казиб юлса кафанимга,

Тобутим юксак ерга бир зум кўйинглар,

Шояд етишур бўйи Ватан бу жасадимга»(8).-

тўртлигини ҳам илова қилгани бежиз эмас. Мўминжон Андижоний Ойбекнинг «Навой» романини араб имлосида кўлда кўчириб, ўз хисобидан кўпайтириб арабистонлик миллатдошларимизга текин таркатганлар.

XX-асрнинг 20-30 йилларида Саудия Арабистонига бориб қолган ўзбекларнинг аксарияти ҳаётдан кўз юмган. Лекин ота-боболари мухожирликни ихтиёр қилганларида асосан 4-5, 8-9 ёшларда бўлганлар ҳозирги кунда улар ҳаётини давом эттираяпти. Саудия Арабистонида истикомат қилаётган ўзбеклар орасида кашшок ва гадойлар йўқ. Мустақиллигимиз туфайли мусулмончилик фарзларидан бири бўлган ҳаж сафарини адо этиш учун барча истовчиларга йўл очиб қўйилди. Ортда қолган йиллар давомида 32 минг ўзбек ҳаж сафарида бўлиб қайтди. Жумладан, «2002 йилда 3910 нафар Ўзбекистон фуқароси Саудия Арабистонида бўлиб, ҳожилик мартабасига эришди»(9). Кўпгина юртдошларимиз Арабистондаги ўз қавм-қариндошларини топиш бахтига муяссар бўлдилар. Ўзаро борди-келди ва қуда-андачилик муносабатлари йўлга қўйилди. Президентимиз 1992 йилнинг 11-14 апрель кунларида Саудия Арабистонига расмий ташриф билан борганларида мухожир ўзбекларга қарата: «Армонлар доғи ювиладиган, яраланган кўнгиллар жароҳати малҳам топадиган замон келди. Энди сизлар билан, тақдир тақозоси туфайли хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни кенг ривожлантиришга ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Энди сизлар учун ватанингизнинг жами эшиклари очиб бўлади»(10),-деган эдилар. Бу мухожирлик дардига малҳам бўладиган сўзларни миллатдошларимиз узок кутишганди. Истиклол туфайли қўлга киритилган имконият соғинчга тўла ва ошуфта дилларни бир-бирига туташтирди.

1. Акмал Ақром. Худоёрхон қандай ўлган? «Туркистон», 1992 йил 18 февраль.
2. Акмал Ақром. Мирқомилбой қандай шахс эди? «Шарқ юлдузи» 1992 йил. 5-сон, 89-бет; Хуршид Даврон. Ўз ҳукумати қолипига сизмаган бой. Ўша жойда, 98-101- бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси МДА. 2661 ф, 1 ё, 233 х, 6-7 бетлар.
4. Нуриллохон Ҳожи Абдуллохон Қўқандий «Муборак ҳаж сафари», Тошкент, «Қамалак», 1991 йил 25-бет.
5. Абдулвоҳид Ясса. Жон кетар, Ватан кетмас. «Қулистон» 1996 йил, 3 сон, 15-бет.
6. Муаллифнинг шахсий мулоқоти материаллари, 1991 йил 15 май.
7. «Халқ сўзи». 1992 йил 20 март.
8. Ш.А.Ҳайитов, Н.С.Собиров, А.С.Легай. «Хориждаги ўзбеклар». Тошкент. «Фан» 1992 йил, 14-бет.
9. Э.Болиев. Аллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин. «Халқ сўзи» 2002 йил 30 август.
10. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1993 йил 25-бет.

Шодмон Ҳайитов-БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

